

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани
ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан ўтказиш
Инспекцияси томонидан

2014 йил “ ” да



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик
жамияти ихтисослаштирилган
лизинг компанияси
Кузатув кенгашининг

2014 йил “15” декабрдаги
4-сонли баённомаси билан



“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг Уставига киритилаётган ўзгартишлар

| ЭСКИ ТАХРИР | ЯНГИ ТАХРИР |
|--|--|
| 3.2. Компаниянинг устав капитали 1 900 500 000 (бир миллиард тўққиз юз миллион беш юз минг) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 267 (бир минг икки юз олтимиш етти) сўм бўлган 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акцияларга бўлинган. | 3.2. Компаниянинг устав капитали 1 995 000 000 (бир миллиард тўққиз юз тўқсон беш миллион) сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 330 (бир минг уч юз ўттиз) сўм бўлган 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акцияларга бўлинган. |
| 4.2. Компания номинал қиймати 1267 сўм бўлган оддий акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир. | 4.2. Компания номинал қиймати 1 330 сўм бўлган оддий акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир. |

“ЎзМЕД-лизинг” АЖ ИЛК директори




М.Рахимов

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани
хокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан ўтказиш
Инспекцияси томонидан

2014 йил “ ” да
-рақам билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

М.Ў.



“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компанияси
акциядорларининг

2014 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши томонидан

“ТАСДИҚЛАНГАН”



М.Ў.

“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг

УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси (бундан буён “Компания” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 ноябрдаги 236-сонли “ЎзМЕД-лизинг” очик акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган.

1.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

Давлат тилида:

кирилл алифбосида – “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси;

лотин алифбосида – “UzMED-lizing” aksiyadorlik jamiyati ihtisoslashtirilgan lizing kompaniyasi.

Рус тилида:

специализированная лизинговая компания акционерное общество «УзМЕД-лизинг».

1.4. Компаниянинг қисқартирилган фирма номи:

Давлат тилида:

кирилл алифбосида – “ЎзМЕД-лизинг” АЖ ИЛК;

лотин алифбосида – “UzMED-lizing” AJ ILK.

Рус тилида:

СЛК АО «УзМЕД-лизинг».

1.5. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.6. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий-номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Компания ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга бўлади. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим (муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.8. Компания у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга бўлиши лозим. Компания ўзининг почта манзили ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.9. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.10. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

1.11. Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Компаниянинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Компания акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар,

кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.13. Компания қонун ҳужжатларида кўзда тутилган акциядорлик жамият ёки маъсулияти чекланган жамият шаклдаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

1.14. Компания ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Компания Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

1.15. Компания Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Компания Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Компания филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

1.16. Компаниянинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди ва Компания Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

1.17. Компания ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий Компания фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

1.18. Компания корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.19. Компания ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

1.20. Компаниянинг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 11-А - уй, 2-қават, info@uml.uz.

II. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Компанияни ташкил этишдан асосий мақсад Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолиятдан акциядорлар манфаатлари учун фойда олишдир.

2.2. Қуйидагилар Компания фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

- тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимида лизинг муносабатларини ривожлантириш;

- ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиз ва чет эл банклари кредитлари ва қарзларини жалб этиш йўли билан замонавий юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналари, улар учун эҳтиёт қисмлар, анжомлар ва махсус транспорт (кейинги ўринларда “тиббиёт асбоб-ускуналари” деб юритилади) харид қилиш;

- тиббиёт асбоб-ускуналарини шартнома асосида лизингга ва узоқ муддатли ижарага бериш, шунингдек уларни тиббиёт муассасаларига сотиш.

2.3. Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

Компания юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, компаниялар ишини яхшилаш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

III. КОМПАНИЯ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КўПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Компаниянинг устав капитали акциядорлар сотиб олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Компаниянинг устав капитали 1 900 500 000 (бир миллиард тўққиз юз миллион беш

юз минг) сўми ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати 1 267 (бир минг икки юз олтимиш етти) сўм бўлган 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акцияларга бўлинган.

Давлат улуши – 253 389 150 (икки юз эллик уч миллион уч юз саксон тўққиз минг бир юз эллик) сўми, яъни устав капиталининг -13,33 фоизини ташкил қилади.

а) Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш

3.3. Компаниянинг устав капитални акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Компания устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан ва қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳамда бу билан боғлиқ тегишли ўзгартиришларни Компания Уставига киритиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Бунда қўшимча акциялар Компания томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Компания устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - 10 000 000 (ўн миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялардан иборат.

б) Компаниянинг Устав капиталини камайтириш

3.6. Компаниянинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.7. Компаниянинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга ҳақли.

3.8. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган устав капиталининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Компания устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.9. Устав капиталини камайтириш ва Компания уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.10. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ АКЦИЯЛАРНИНГ НИСБАТИ

4.1. Компаниянинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Компания акциядори деб эътироф этилади.

4.2. Компания номинал қиймати 1 267 сўм бўлган оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир.

4.3. Компаниянинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Компанияни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Компания қонун ҳужжатларида назарда тутилган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштиришга ҳақли.

V. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Компаниянинг қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорида чиқарилаётган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати,

жойлаштириш тартиби, усули (оммавий ёки хусусий йўсинда), муддати, нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш усули ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.2. Компания қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартибини, яъни акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган (биржа ёки биржадан ташқари) бозорларни белгилайди.

5.3. Компания қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш усули (оммавий ёки хусусий йўсинда) белгиланади.

5.4. Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.5. Қўшимча акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилган тақдирда, Компания қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланади.

5.6. Компаниянинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

5.7. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига (бундан буён матнда имтиёзли ҳуқуқ деб юритилади) эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги компания акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

5.8. Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг қарорида белгиланган муддат давомида, аммо бундай қарор қабул қилинган пайтда эътиборан кўпи билан бир йил давомида амал қилади.

5.9. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида жамиятга тақдим этилиши керак.

VI. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Компания акциядорларининг ҳуқуқлари:

- компаниянинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисоб варағидан кўчирма олиш;
- компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- компаниянинг Уставига мувофиқ компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларнинг укувсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

6.2. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил ҳуқуқларни беради.

6.3. Оддий эгаси ёзилган акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек, дивидендлар олиш, Компания тугатилган тақдирда эса, Компания мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

6.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли қирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.5. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

компанияни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Компания томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим (бундан буён матнда йирик битим деб юритилади) тузиш тўғрисида;

компаниянинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми компания томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.6. Компания акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

компаниянинг устав қоидаларига ва уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда ҳисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);

компания фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фож килмаслик.

6.7. Акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

VII. КОМПАНИЯ ДАРОМАДИ (ФОЙДА) НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг Компания ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир.

7.2. Компания акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.3. Компания акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда

тақсимланади.

7.4. Компания йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.7. Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан сўнг икки ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.8. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида Компаниянинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

7.9. Дивидендлар Компания тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.10. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Компания акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.11. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.12. Компания қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга, ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

- устав капиталини ҳаммаси тўлаб бўлингунча;
- агар дивидендлар тўланган пайтда Компанияда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Компанияда шундай белгилар пайдо бўлса;
- соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фондлари суммасидан кам бўлса ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

7.13. Компания дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий воясиз ёки меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра компания ихтиёрида қолади.

VIII. КОМПАНИЯНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Компания соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланган, Компания фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.

8.2. Компаниянинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, компания облигацияларини муомаладан чиқариш қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Компания устав капиталининг 15 фоизи миқдорда Компания захира фонди тuzилади.

8.4. Компания захира фондига ушбу уставнинг 8.3-бандида белгиланган миқдорга етганига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

8.5. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.6. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий

азратмалардан тикланади.

8.7. Компания соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари буйича белгиланган тартибда баҳоланади.

IX. КОМПАНИЯНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

9.1. Компанияни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Директор).

X. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши компанияни бошқаришнинг олий органидир.

10.2. Компания акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида Компаниянинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, яккабошчилик асосидаги ижроия органи – компания директори билан тузилган шартномаларни амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг ҳизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Компаниянинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини компаниянинг Кузатув кенгаши белгилайди.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

а) компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) компанияни қайта ташкил этиш;

в) компанияни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) компания Кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) устав капиталини камайтириш;

ж) ўз акцияларини сотиб олиш;

з) компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) компания тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) компания йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

л) компания Кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу ҳудуддан, компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;

м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
п) агар Компания кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, компаниянинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим бўйича қарор қабул қилиш;

р) битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада баланс қиймати компания соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;

с) Компания Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш:

т) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун компания ижроия органига берилиши мумкин эмас.

10.8. Овозга қўйилган масала бўйича, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, йиғилишда иштирок этаётган Компания овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, қонунчилик ва уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

10.9. Қуйидаги масалалар бўйича умумий йиғилишда қатнашувчиларнинг, овоз берувчи акцияларининг эгалари - акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади:

- компания уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

- компанияни қайта ташкил этиш;

- компанияни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- компания Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан компания Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда компаниянинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим бўйича қарор қабул қилиш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

10.10. Акциядорлар умумий йиғилиши ўз ишени амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

10.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.12. Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига етказилади, бироқ бу муддат ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги керак.

10.13. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга.

10.14. Акциядорнинг талабига биноан Жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Компаниянинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.16. Компания акциядорга билдиришномани мустақил равишда ёхуд Компания ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

10.17. Компания акциядорларига акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома йиғилиш ўтказиладиган санадан 7 (етти) кундан кечиктирмай юборилади.

10.18. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- компаниянинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- компания акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

10.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) компаниянинг йиллик ҳисоботи, компаниянинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан компания Тафтиш комиссиясининг ва Аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, компания Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Компания уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд компаниянинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.

10.20. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган Компания акциядорлари (акциядори) Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 (ўттиз) кун ичида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгаши ва Компания тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

10.22. Компания Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Компания акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

10.23. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, турли “масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

10.24. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Компания Кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, Компания тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада Компаниянинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизга эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби билан ўтказилади.

10.26. Компания тафтиш комиссиясининг ёки Компаниянинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизга эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни Компания Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини

10.27. Акцияларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда ёзилган кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар улارни киритиш

10.28. Компания Кузатв кенгаши компания тафтиш комиссиясининг ёки компаниянинг овоз берувчи акцияларининг камидан 5 (беш) фоизига эга бўлган

10.29. Акцияларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини чакириш талабиди

10.30. Акцияларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини чакириш талабиди

10.31. Компания тафтиш комиссияси ёки компаниянинг овоз берувчи акцияларининг

10.32. Агар акцияларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга

10.33. Акциялар умумий йиғилишини ўтказиш учун қворум бўлмаса,

10.34. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акцияларнинг янги чакирилган умумий

10.35. Қворум бўлмаганлиги сабабли акцияларнинг умумий йиғилишини ўтказиш

10.36. Акцияларнинг умумий йиғилишида кун тартибиди масалалари бўйича овоз

10.37. Овозларни санаб чиқиш, акцияларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши

10.38. Акцияларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқи шахсан акциядор

10.39. Акциядор акциядорнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини истаган вақтда

10.40. Акциядорнинг вакили акциядорнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома

10.27. Акцияларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда ёзилган кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш

10.28. Компания Кузатв кенгаши компания тафтиш комиссиясининг ёки компаниянинг овоз берувчи акцияларининг камидан 5 (беш) фоизига эга бўлган

10.29. Акцияларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини чакириш талабиди

10.30. Акцияларнинг навбатдан ташкари умумий йиғилишини чакириш талабиди

10.31. Компания тафтиш комиссияси ёки компаниянинг овоз берувчи акцияларининг

10.32. Агар акцияларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга

10.33. Акциялар умумий йиғилишини ўтказиш учун қворум бўлмаса,

10.34. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акцияларнинг янги чакирилган умумий

10.35. Қворум бўлмаганлиги сабабли акцияларнинг умумий йиғилишини ўтказиш

10.36. Акцияларнинг умумий йиғилишида кун тартибиди масалалари бўйича овоз

10.37. Овозларни санаб чиқиш, акцияларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши

10.38. Акцияларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқи шахсан акциядор

10.39. Акциядор акциядорнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини истаган вақтда

10.40. Акциядорнинг вакили акциядорнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома

асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, туғар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома конун хужжатларида белгиланган тартибда кабул қилинади ҳамда ёзма равишда шакллантирилади.

XI. КОМПАНИЯ ҚУЗАТҶ КЕНТАШИ

10.41. Акциядорлар ўмумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар ўмумий йиғилиши епитланган кейин кечя билан 10 (ўн) кун ичида икки нусхада тўзилади. Хар иккала нусха ҳам ўмумий йиғилишда расмлик қилувчи ва ўмумий йиғилиш котйби томонидан имзоланади. 10.42. Барча олдий акциялар битта акциядорга тегишли бўлса, Компанияда акциядорларнинг ўмумий йиғилиши ўтказилмайди. Конун ва уставка кўра акциядорларнинг ўмумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда кабул қилинади ҳамда ёзма равишда шакллантирилади.

11.1. Компания ҚузатҶ Кенташи Компания фаолиятига ўмумий рақбарликни амалга оширати, акциядорлар ўмумий йиғилишининг мутика ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустафо.

11.2. Компания ҚузатҶ Кенташининг ваколатларига қуйидагилар киряди:

Компания фаолиятининг ўстувор йўналдишларини белгилаш;
Компания акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари ўмумий йиғилишларини чакрати, амалдаги конунчиликка назарда тутилган ҳоллар бундан мустафо.

акциядорларнинг ўмумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жойини белгилаш;

акциядорларнинг ўмумий йиғилиши ўтказилиши шакллантириш санагини белгилаш;

Компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки унинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг ўмумий йиғилиши хаг қилиши учун киритиш;

Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташқил этиш;

Компания директорининг ваколатларини мулдарида илгари тўтатиш;

корпоратив маслахатчининг тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомнин тасдиқлаш;

Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташқил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек хар чоракда унинг хисоботларини эшитиб бориш;

Компания ижроя органини фаолиятига дахлдор хар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва компания қузатҶ Кенташи зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун бу хужжатларни ижроя органидан олиш. Компания қузатҶ Кенташи ва унинг

азодалари олдинга хужжатлардан факат хизмат максатларида фойдаланиши мумкин;

Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчысига) тулгандаган хаг ва компенсацияларнинг микроларини юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд микролари, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Компаниянинг филиалларини ташқил этиш ва ваколатдорларини очиш;

Компаниянинг акциядорлик жамияти ёки маъсулияти чекланган жамият шаклидаги шўба ва тобе корхоналарини ташқил этиш;

Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташқилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тўзиш;

Компаниянинг корпоратив органилиқларини қайтариб олиш тўғрисида қарор кабул қилиш;

Компаниянинг устав капиталининг акцияларнинг номинда қийматини қўлайитириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва туғари доирасида Компания томонидан қўшимча

11.10. Компания Кузатв кенташи райси йук булган холларда унинг вазифасини Кузатв кенташ аъзоларидан бери бажариб туради.

11.11. Компания Кузатв кенташининг мажлиси Кузатв кенташи расисининг таъбирининг кура, Кузатв кенташи, тафтиш комиссияси (тафтишчысининг), компания директорининг талабига кура чакрилади. Шунинингдек компания Кузатв кенташи мажлислари унинг расис томонидан хар чоракда камид бир марта чакрилади. Заруриятта кура компания Кузатв кенташининг навбатдан ташкари мажлислари ҳам утказилиши

11.12. Компания Кузатв кенташининг карори Кузатв кенташига сайланган аъзоларнинг камид етмиш беш фоизи иштирок этганида конуний хисобланади. Компания Кузатв кенташининг мажлисида карорлар мажлисида хозир булганларнинг кучлилик овози билан карб килинади. Компания Кузатв кенташи мажлисида масалалар хал этилаётганда кура кенташининг хар бир аъзоси битта овозга эга. Компания Кузатв кенташининг бир аъзоси 3 овозни Кузатв кенташининг бошқа аъзосига беришга хакли эмас. Компания Кузатв кенташи аъзоларининг овозлари тенг булган холларда, Компания Кузатв кенташи расисининг овоз хал аъвучи хисобланади.

11.13. Компания Кузатв кенташининг мажлисида баённома юритилди ва у мажлис утказилгани сунт 10 (ун) кундан кечиктирмай тузилади. Компания Кузатв кенташи мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этётган Компания Кузатв кенташи аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси туфрилиги учун жавобдардир.

11.14. Компания Кузатв кенташининг вазифалари хукумат карори билан таъинленган таркибга эга Компания Кенташи томонидан бажарилади.

XII. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Компаниянинг кундалик фаолиятга рахбарлик килиш яккабашчилик асосидати карови органи - Директор томонидан амалга оширилади.

12.2. Директор Компаниянинг ижро аъвучи органи хисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқариш ва жорий рахбарликни ўзбекистон Республикаси конуначилиги, ушбу Устав, акциядорлар умумий йиғилиши ва компания Кузатв кенташининг карорларига мувофиқ амалга оширади.

12.3. Компания Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва компания Кузатв кенташига хисобот беради.

12.4. Компаниянинг Директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Директор билан меҳнат шартномасини компания номидан компания Кузатв кенташи расиси имзолайди.

12.5. Компания Директорининг ваколатларига компаниянинг кундалик фаолиятга рахбарлик килишга доир барча масалалар кирди, акциядорлар умумий йиғилишининг мулук ваколатларига эки Компания Кузатв кенташининг ваколатларига киритилган масалалар булган мустафо.

12.6. Компания Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва компания Кузатв кенташининг карорлари бажарилишини ташкил этади.

12.7. Компания Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан таъинленган "Ижроия органи туфрисида" ги Низом асосида иш олиб боради.

12.8. Компания Директорининг ваколатларига куийлагилар кирди:

- мазкур Устав ва компания Кузатв кенташи томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишита рахбарлик килиш;

- компаниянинг бизнес-режасини ишлаб чикиш;

- компания фаолиятининг асосий йуналишлари лойихасини ишлаб чикиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва компания Кузатв кенташи карорларининг бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш;

- амалдаги конуначиликка мувофиқ компанияда бухгалтерия хисоби ва хисоботининг ташкил этилиши, зарур холати ва ишончлигини, йиллик хисоботлар ва бошқа молиявий хисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунинингдек акциядорларга

M. Kozlov

- 16.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишувчи йўли билан амалдаги конун хужжатлари ва ушбу уставга асосан хал қилинади.
- 16.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан хал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали хал қилинади.
- 16.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатида олинган вақтдан бошлаб қўйиб қиради.
- 16.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, конунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

ХVI. ЯҚУНИЙ ҚОНЛАР

15.21. Тўғривчи ноқонуний ёки атайин нотўғри қилинган харакатлар (харакатсизлик) натижасида Компанияга келтирилган зарар учун жавобдордир.

Тўғривчанлиги хақидаги тегишли ёзувни Компания қиматли қўғазлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилингандан кейингина қиртилди.

М.Рахимов



“ЎЗМЕД-ЛИЗИНИ” ИЛК АЖ директори

Пронумеровано и прошнуровано

20 листа

Директор АО "УЗМЕД-ЛИЗИНГ"

Рахимов М. Ч.

